

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРСУНОВ МИРЗО МАХМУДОВИЧ**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА МЕТАФОРИК ИБОРАЛАРНИНГ**  
**ЛИНГВОКОГНИТИВ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва**  
**таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

УДК: 81'373.612.2[=111/=512.133].001.36

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

The contents of dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in Philological sciences

**Турсунов Мирзо Махмудович**

Инглиз ва ўзбек тилларида метафорик ибораларнинг лингвоко ..... 5

**Турсунов Мирзо Махмудович**

Лингвокогнитивный анализ метафорических выражений в английском и узбекском языках..... 23

**Tursunov Mirzo Makhmudovich**

Lingocognitive analysis of metaphorical expressions in the English and Uzbek languages ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 47

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРСУНОВ МИРЗО МАХМУДОВИЧ**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА МЕТАФОРИК ИБОРАЛАРНИНГ**  
**ЛИНГВОКОГНИТИВ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва**  
**таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Fil608 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Боқиева Гуландом Ҳисамовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Насруллаева Нафиса Зафаровна**  
филология фанлари доктори (DSc), доцент

**Йўлдошев Улуғбек Равшанбекович**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» август соат 19<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-57, e-mail: buxdu\_rektor@buxdu.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (80 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2021 йил «07» 08 кунни тарқатилди.  
(2021 йил «07» 08 даги 21013- рақамли реестр баённомаси).



**Д.С. Ўраева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

**З.И. Расулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

**М.М. Жўраева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида антропоцентрик парадигма доирасида инсон тили ва тафаккури ўзаро таъсири остида юзага келган муаммоларга илмий ечим топишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу борадаги кашфиётлар инсон билиш фаолиятининг табиатини тушунтира олиши билан бирга инсон лисоний онгидаги когнитив структураларни мувофиқлаштиришга йўналтирилган когнитив жараёнлар чегарасида воқеланадиган метафоризация, метафорик фразеологизация ҳодисасини лисоний-фалсафий, психоллингвистик, мантикий ракурсда асослаш масаласини кун тартибига чиқарди. Инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларини қамраб олган, салмоқли потенциалга эга бўлган концептуал метафораларни замонавий когнитивистакада асосий ментал амалиёт, билишни концептуаллаштириш, дунёни баҳолаш воситаси сифатида инглиз ва ўзбек тиллари кесимида лисоний тафаккур тамойилларидан келиб чиққан ҳолда талқин қилиш икки лингвомаданият платформасида метафорик кластерларнинг шаклланиши, метафорик ибораларнинг сўз сатҳида эмас, тафаккур сатҳида воқеланишига доир назарияларни янгича идрок этиш имконини беради.

Дунё тилшунослигида фразеологик (метафорик) бирликлар психологик, когнитив-семантик ва лингвокультурологик жиҳатларни намоён этган кўп қиррали ва кўп қатламли ментал тузилма сифатида талқин этилади. Инглиз ва ўзбек тилшунослигида ҳам устувор вазифа сифатида тилларнинг ўзаро алоқаларини, жумладан, фразеологизмларни бошқа тиллар материаллари билан қиёслашда замонавий методологик тамойиллардан фойдаланиш, умумлаштириш, уларнинг лингвистик табиати ва нутқдаги мақоми юзасидан аниқ назарий хулосалар чиқариш, инсоннинг ички ва ташқи олами фразеосемантик майдонларида ишлатиладиган метафорик ибораларнинг лингвокогнитив таҳлили заруратини аниқлаш ечимини кутаётган муҳим масалалардан бири бўлиб турибди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар туфайли миллий тилшунослигимизни дунёнинг илғор лингвистик мактаблари назариялари асосида бойитиш, кучайтириш имконияти туғилди. «... Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ва ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини чет тилларига таржима қилиш чоратадбирлари дастури»<sup>1</sup>. Бу борада борлиқ ҳодисаларини икки тил негизида когнитив таҳлил қилиш каби устувор тажриба дунёни миллий англаш, шахслараро коммуникация талабига мувофиқ маданий юксалиш, ҳар бир метафорик фразеологизмда тафаккур иштирокини англаш, унинг тилда вербаллашув тамойилларини дунёни баҳолаш маҳсули сифатида илмий изоҳлашга кенг йўл очиб беради.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши.//Халқ сўзи, 2017 йил 13 январь. -№9 (6703).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фразеологик бирлик ёки фразема, ибора келиб чиқиш жиҳатидан жуда қадимий бўлса-да, фразеология (иборашунослик) фани тарихи бир неча юз йилни ўз ичига олади. Бу соҳада Н.Н.Амосова, А.В.Кунинларнинг инглиз фразеологияси, И.И.Чернишева, А.Д.Райхштейн, М.Д.Городниковаларнинг немис фразеологияси, В.Г.Гакк, Н.Н.Кириллова, З.Н.Левит, А.Г.Назарян, Я.И.Рецкер, Г.Г.Соколова, И.Н.Тимесковаларнинг француз фразеологияси, Е.М.Вольф, В.С.Виноградов, А.В.Супрун, Н.Н.Курчаткиналарнинг испан фразеологияси, Т.З.Черданцеванинг итальян фразеологияси бўйича амалга оширган ишларини таъкидлаш ўринлидир. Фразеология назарияси ривожда Е.Поливанов, Л.Булаховский, Ш.Балли, В.Виноградовлар, туркийшуносликда С.Муратов, С.Кенесбаев каби тилшуносларнинг алоҳида хизматлари бор. Ўзбек фразеологиясининг назарий масалалари бўйича эса қатор тилшуносларнинг асарлари майдонга келди. Икки тил фразеологизмлари материаллари тадқиқини А.К.Боровков, К.Юсупов, Ҳ.Ғуломов, Х.Турсунова, М.Мирзаев, М.Сиддиқова, А.Зоҳидов, М.Зокиров, Г.Э.Ҳакимова сингари олимлар илмий ишларида кўриш мумкин. Шунингдек, айнан инглиз тилидаги метафора, метафорик фразеологик бирликлар, метафоризация жараёнларига оид лингвистик масалаларни замонавий тилшунослик нуқтаи-назаридан ўрганиб чиққан олимлардан Жорж Лакофф ва Марк Жонсонларни энг муҳим муаммоларни кўтариб чиққан тилшунослар рўйхатига кирита оламиз. Инглиз тилидаги метафора ва рамзлар боғлиқлиги масалаларини Роланд Бартел очиб беришга катта ҳисса қўшган олимлардан биридир. Айнан ўзбек тилидаги метафора, метафорик фразеологизмларнинг шаклланиши, халқ маданияти билан боғлиқлиги масалаларига А.Э.Маматов

«Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари» номли докторлик диссертациясида батафсил тўхталиб ўтган. Бироқ ҳозирга қадар инглиз ва ўзбек тилларида фразеологик бирликларни ўрганишда когнитив ёндашувнинг асосий жиҳатлари айниқса, инсоннинг ички ва ташқи олами фразеосемантик майдонларида ишлатиладиган метафорик ибораларнинг лингво-когнитив таҳлили монографик йўсинда махсус тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг “Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий-типологик изланишлар ва таржимашунослик муаммолари” йўналишидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз ва ўзбек тиллари метафорик (фразеологик) ибораларини қиёсий-чоғиштирма аспектда лингвокогнитив жиҳатдан очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

фразеологик бирликларнинг семантик, грамматик ва функционал моҳиятини аниқлаш, уларни таъминловчи лингвистик ва нолингвистик омилларни ёритиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги метафорик ибораларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва шаклланиш усулларини белгилаш, тавсифлаш, семантик ҳодиса моҳиятини баён қилишда стилистик тропларга асосланган иборалар характеристикасини таснифлаш;

фразеологик моделлаштириш масаласида мавжуд ёндашувларни кўриб чиқиш ва лисоний омилларини очиқ бериш;

“инсоннинг ички ва ташқи олами” фразеосемантик майдонларида ишлатиладиган метафорик ибораларнинг лингво-когнитив таҳлилин асослаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги метафорик фразеологик бирликлар шаклланишининг асосини ташкил этадиган когнитив моделларни аниқлаш, фразеологик гуруҳлардаги ўхшашлик ва фарқларни тавсифлаш;

метафорик ибораларнинг инсон миллий-маданий ҳаётига боғлиқлигини аниқлаш, қиёсий-типологик ва лингво-когнитив таҳлиллар асосида изоҳлаш;

шахс характерини тавсифлайдиган метафорик ибораларнинг мавзувий гуруҳларини дифференциал белгилар орқали изоҳлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида инглиз ва ўзбек тиллари турли дискурсларида қўлланган метафорик иборалар белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети** инглиз ва ўзбек тилидаги метафорик ибораларнинг лингвокогнитив таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тавсифлаш, таснифлаш, когнитив таҳлил, синхрон таҳлил, компонент таҳлил, қиёслаш, этнолингвистик таҳлил, тизимли, контекстуал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилидаги метафорик ибораларнинг семантик-грамматик ва функционал-стилистик хусусиятлари, уларнинг ҳосил бўлиш

механизмлари лингвокультурологик ва психолингвистик омиллар таъсирида воқеланиши далилланган;

ҳар иккала тил метафоризацияси негизида ётадиган билиш механизмларининг универсаллиги фразеологизмларнинг кундалик турмуш билан боғлиқ билимлар, инсон дини, географиясини акс эттирувчи *ички* ва инсон ҳаракатидаги, дунёни қабул қилишидаги стереотипларни акс эттирувчи *ташқи* сатҳлараро тўлиқ мутаносибликни таъминлай олмаслиги асосланган;

ҳар иккала тил метафорик фразеосистемаси таркиби фақат шу тиллар лексик қатламига хос бўлган сўзлардан ташкил топганлиги, бошқа тилларда эквивалентларининг мавжуд эмаслиги фразеологизмларнинг миллий маданият, санъат, тарих, жойлашув, дунёни миллий тафаккур этишкаби омиллар билан шартланганлиги аниқланган;

лисоний тафаккур жараёнининг дунёни концептуал бўлинмаларга ажратиб билишда воқеланиши, нутқий тафаккур жараёнининг эса дунёни вазиятларда билишда актуаллашуви исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда инглиз ва ўзбек тилларидаги метафорага асосланган ҳолда шаклланган фразеологизмлар турли фразеосемантик гуруҳларга ажратилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги метафорик фразеологизмларнинг халқ маданияти, тарихи, менталитети билан боғлиқлик даражаси аниқланган;

тадқиқотда ишлаб чиқилган инсон характери ифодаловчи метафорик фразеологик бирликларни таржима қилиш тамойиллари мамлакатимизда бадиий таржима сифатини янада яхшилаш учун муҳим манба вазифасини бажариши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, олимларнинг назарий фикрларига таянилганлиги, тадқиқотда замонавий тилшунослик ютуқларидан келиб чиққан ҳолда чиқарилган хулосаларнинг тавсифлаш, таснифлаш, когнитив таҳлил, синхрон таҳлил, компонент таҳлил, қиёслаш, этнолингвистик таҳлил, тизимли, контекстуал таҳлил усуллари орқали далилланганлиги билан белгиланади; назарий фикр ва натижаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган хулосаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар инглиз ва ўзбек замонавий тилшунослиги, лингвомаданиятшунослиги, психолингвистикаси, прагмалингвистикаси кесимида юзага келадиган назариялар талқини ҳақида тизимли тасаввур ҳосил қила олиши, муайян соҳага доир метафораларни тавсифлаш, ситуатив шароитини белгилаш ҳақидаги билимларни бойитиши ҳамда умумилмий метафоризацияни ўрганишда асосий манбалардан бири бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундаги тил бирлиги бўлган фразеологизмларни чоғиштиришга доир қарашлардан олий ўқув юртларининг филология факультетларида тилшунослик назарияси, лингвокультурология, ҳозирги ўзбек адабий тили, тилларнинг чоғиштира



грамматикаси каби фанларни ўқитишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда, дарслик ва қўлланмалар, икки тилли фразеологик луғатлар яратишда, илмий ва бадиий таржима билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз ва ўзбек тилларидаги метафорик ибораларнинг лингвокогнитив таҳлили тадқиқи жараёнида олинган илмий натижа ва хулосалар асосида:

фразео-семантик майдон, тилнинг лексик ва фразеологик бирликлари семантик структурасида коннотатив маънонинг мавжудлиги, метафорик бирликларнинг инсоннинг турли фаолиятларига алоқадорлигига кўра фразеосемантик гуруҳларга ажаратилиши, метонимия, жонлантириш ва бошқа стилистик воситаларга асосланган фразеологик бирликларнинг тиллараро қиёсига доир хулосалардан Ф1-ХТ-19919 “Ўзбек мифологиясининг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 февралдаги 88-87-491/04-сон маълумотномаси). Натижада мифонимларнинг лексик хусусиятларини ойдинлаштиришга, сакрал сўзлар семантикасини аниқлаштиришга, инсоннинг ички ва ташқи олами асосий фразеосемантик майдонлар сифатида белгилаб олиниши мумкинлигини асослашга эришилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги метафорага асосланган ҳолда шаклланган фразеологизмларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг у ёки бу халқ маданияти, тарихи, менталитетига оид маълумотларни ўзида мужассам этиши билан боғлиқ хулосалардан АҚШнинг Атланта шаҳридаги ALTA Language Services тил ўқитиш марказидаги илмий-инновацион лойиҳаларда қўлланилган (ALTA Language Services марказининг 2020 йил 5 июндаги А-152-сон маълумотномаси). Натижада инглизбабон мамлакатларнинг тилшунослик соҳасида бир нечта лингвистик, ижтимоий, маданий аспектлардаги мураккаб масалаларга илмий изоҳлар олишга кўмаклашган, тил марказида икки тилда чоп этиладиган турли луғат, мақола ва тезисларда самарали ишлатилиши мумкинлиги асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги метафораларга асосланган фразеологик бирликларнинг лингвокогнитив таҳлили, уларнинг грамматик, семантик, лексик хусусиятлари, қиёсланаётган тиллардаги фразеологик бирликларнинг таснифига доир хулосалардан Г.Бакиева томонидан ОТМларнинг номутахассислик таълим йўналишлари учун чоп этилган SCALE UP Teacher's book, Workbook, Student's book дарсликлари мавзуларини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5 ноябрдаги 89-03-4450-сон маълумотномаси). Натижада диссертациядаги фразеологик бирликлар ва уларнинг лингвокогнитив таҳлили дарсликдаги турли мавзуларни чуқурроқ ёритишда, уларнинг инглиз тили миллий колоритини сақлашига, матн маъносини янада кучайтиришга хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги метафорага асосланган фразеологик бирликларнинг лингвокогнитив таҳлили, тил лексикологиясида фразеологик

бирликларнинг ўрни, уларнинг мантикий-грамматик табиати, лексик-семантик хусусиятлари, фразеологик бирликларнинг турлари, инглиз ва ўзбек ёзувчиларининг машхур асарларидаги метафорик ибораларнинг лингвокогнитив таҳлиliga доир хулосалардан А-1-219 рақамли "Таълим тизимида хорижий тил (инглиз) йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича С1 даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-услубий мажмуа яратиш" мавзусидаги амалий лойиха доирасида бакалаврлар (инглиз тили) учун яратилган "Grammar" ва "Speaking" номли ўқув қўлланмалар мавзуларини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 15 февралдаги 89-03-930-сон маълумотномаси). Натижада қўлланмада ишланган мавзуларнинг назарий асослари мустаҳкамланган, тил кўникмаларини ривожлантиришда назария ва амалиёт интеграциясига эришилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги метафорик ибораларнинг ўзига хос хусусиятлари, фразеологик ибораларнинг турли стилистик воситаларга асосланганлиги, уларнинг лингвокогнитив таҳлили билан боғлиқ хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканалида "Бедорлик", "Таълим ва тараққиёт" эшиттиришларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган ва тадқиқотчи билан бевосита суҳбат олиб борилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019-йил 21 октябрдаги 04-25-2176-сон маълумотномаси). Натижада тингловчиларда инглиз ва ўзбек тилларидаги ибораларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг тил лексикологиясидаги ўрни, грамматик, лексик, семантик хусусиятлари тўғрисида тасаввур ва билимлар шаклланишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 7 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, улардан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 176 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликларнинг илмий-назарий асослари ҳамда когнитивлик нуқтаи-назардан ўрганилиши**» деб номланган. Ҳар бир тилнинг фразеологизмларида халқнинг барча ўзига хосликлари ва унинг дунёқараши акс этади, чунки айнан фразеологик бирликлар халқларнинг маданияти, ўзига хос урф-одатлари, психологияси, турмуш тарзи, менталитети билан чамбарчас боғлиқдир. «Тилнинг фразеологик фонди халқнинг маданияти ва менталитети ҳақидаги энг қимматли манбадир, унда халқнинг афсоналари, урф-одатлари, маросимлари, байрамлари, одоб-ахлоқи ва ҳоказолар мужассамлашган», - деб ёзади В.А.Маслова<sup>2</sup>.

Дунё тилшунослигида фразеологик бирликлар билан тадқиқотчилар XVIII асрдан бошлаб шуғулланиб келишмоқда. XX асрнинг 60-80 йилларига келиб фразеология чет эл тилшунослигида бўлганидек, ўзбек тилшунослигида ҳам тез суръатлар билан ўсди. Узоқ муддатли тараққиёт маҳсули ҳисобланган фразеологизмлар жамият тажрибасини акс эттириб, уни бир авлоддан иккинчисига етказди, шу боисдан улар нафақат коммуникация воситаси сифатида, балки турли-туман ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли маълумотлар манбаи сифатида ҳам муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан олганда, тилнинг миллий маданий семантикаси – бу тарихий ривожланиш натижаси бўлиб, у маданий ўтмишни ҳам ўз ичига оладики, халқ тарихи қанчалик бой бўлса, унинг тилига ҳос бўлган бирликлар шунчалик ёрқин ва мазмунан кўп қиррали бўлаверади. Турли тиллар фразеологиясини қиёсий жиҳатдан ўрганиш эса ҳар иккала тилнинг ҳам тузилишини чуқур англаб етиш, бу тил соҳиблари бўлган инсонларнинг феъли, маданияти, адабиёти, тарихи, урф-одатлари тўғрисидаги билимларнинг бойитилишига хизмат қилади. Фразеологик бирликлар образлиликни, экспрессивлик ва эмоционалликни юзага келтирувчи муҳим воситалар бўлиб, улар бадий публицистик матнларнинг ифодавий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Фразеология назариясининг илк тадқиқотчиси, шубҳасиз, швейцар-француз тилшуноси Шарль Балли (1865-1947) ҳисобланади. У ўзининг “Стилистика очерки”(1905) ва “Француз стилистикаси” (1909) номли асарларида сўз бирлашмалари, яъни фразеологизмларни тадқиқ этувчи маҳсус боблар киритган эди. У фразеологик бирлашмаларнинг ташқи ва ички белгиларини бир-биридан фарқлаган эди. Унинг таълимотига кўра, бундай бирлашмаларнинг структурал хусусиятлари ташқи белгилари, семантик табиати эса унинг ички белгилари саналади. Фразеология асосан фразеологик бирлашмаларнинг семантик табиатини, ички белгиларини ўрганиш билан шуғулланиши лозим<sup>3</sup>. Ф.де Соссюр эса “Умумий тилшунослик курси”(1916) асарида синтагма, унинг белгилари ҳақида сўз юритар экан, тилда шундай тайёр бирикмалар («готовые изречения») борки, уларнинг узул характери маъноси ва синтактик хусусиятидан келиб чиқади. Уларни импровизациялаш

<sup>2</sup> Маслова В.А. Лингвокультурология. 2-е издание. – М.: Academia, 2004. – 204 с.

<sup>3</sup> Кунин А.В. Теория фразеологии Шарля Балли // Иностранные языки в школе, 1966, № 3. – С. 17- 23; Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка. - М.: Высшая школа, 1987. – С. 6-8.

(тайёргарликсиз қўллаш) мумкин эмас, чунки бундай бирикмалар тайёр ҳолда, анъанага кўра қўлланади, деган эди<sup>4</sup>. Умуман, фразеология фанининг ривожланиш тарихини хронологик жиҳатдан уч даврга бўлиб ўрганиш мумкин: Биринчи давр XVIII асрнинг ўрталаридан XX асрнинг 30-йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр фразеологик тадқиқотларнинг йўлга қўйилиш босқичи бўлиб М.В.Ломоносов, В.И.Даль, А.А.Потебня, Ф.Ф.Фортунатов, Ф.И.Буслаев, Ш.Балли, А.А.Шахматовларнинг илмий фаолияти билан боғлиқ. Қайд қилиш ўринлики, биринчи даврда фразеология кўпроқ лексикография, яъни амалий луғатшунослик объекти бўлиб хизмат қилган. Бу даврда кўпроқ фразеологик бирликларни луғатларда акс эттириш (кодификациялаш), уларнинг маъносини, этимологиясини изоҳлаш, талқин этишга алоҳида эътибор қаратилган эди. Иккинчи давр Е.Д.Поливанов, В.В.Виноградов, С.И.Абакумов, Г.К.Данилов, Г.О.Винокур, В.Н.Державин, А.И.Ефимов, А.Я.Рожанский, И.Е.Аничков каби олимларнинг илмий фаолияти билан боғлиқ ҳолда ривожланди ва XX асрнинг 30-50-йилларини ўз ичига олади. Бу даврни фразеологиянинг мустақил лингвистик соҳа сифатида шаклланиш даври ҳам дейиш мумкин. Учинчи давр XX асрнинг 60-йилларидан бошланиб ҳозирги кунларгача давом этмоқда. Бу давр фразеологик тадқиқотларда янги методларнинг қўлланилиши, фразеологик назариянинг тез суръатлар билан ривожланиши ва кўплаб фразеолог мутахассисларнинг етишиб чиққанлиги билан характерланади<sup>5</sup>. Шуниси эътиборлики, профессор Е.А.Малиновский «XX асрда рус фразеологик назариясининг шаклланиши» номли монографиясида рус тилшунослигида XX асрда фразеологик таълимотнинг шаклланиш тарихини куйидагича тўрт даврга ажратиб ўрганган: 1) XX аср бошларида (1900-1920 йилларда) рус тилшунослигида вужудга келган фразеологик таълимот; 2) урушгача бўлган даврда (1920-1940 йилларда) рус тилшунослигида фразеологик таълимотнинг тараққиёти; 3) XX асрнинг 50-60-йилларида рус тилшунослигида фразеологик таълимотнинг ривожланиши; 4) XX асрнинг 70-80-йилларида рус тилшунослигида фразеологик таълимотнинг тараққиёти.

Шунингдек, биринчи бобда инглиз тили фразеологик бирликларининг тарихи, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Жаҳон тилшунослигида ҳозирги кунга қадар фразеология соҳаси кенг ва тор маънода тушунилмоқда. Фразеологияни кенг доирада тушунувчи олимлар унинг таркибига мақоллар, маталлар, афоризмлар ва бошқа турдаги турғун бирликларни киритадилар. Тор доирадаги фразеология тарафдорлари эса яхлит кўчма маъноли турғун бирликларни ўрганиш билан чегараланадилар. Улар фразеологик тадқиқотларида фақат бирикмага тенг бўлган ФБларни тадқиқ этиб, мақол ва маталларни фразеология объекти сифатида

<sup>4</sup> Фердинанд де Соссюр. Курс общей лингвистики // Фердинанд де Соссюр Труды по языкознанию. - М.: Прогресс, 1977. - С. 157.

<sup>5</sup> Ройзензон Л.И., Малиновский Е.А., Хаютин А.Д. Очерки по истории становления фразеологии как лингвистической дисциплины. - Самарканд, 1975., - С. 5-70; Малиновский Е.А. История изучения проблем фразеологии в русском языкознании. - Ташкент: Фан, 1991. - С. 5-92; Малиновский Е.А. Формирование русской фразеологии и фразеографии. АДД. - Адматы, 1995. - С. 3-52; Малиновский Е.А. Формирование русской фразеологической теории в XX веке. Монография. - Самарканд, 2007. - С. 4 - 131.

баҳоламайдилар. Фразеологиянинг объектини тор доирада таҳлил этувчи олимлар ўз асарларида ФБларни ўз табиати билан сўз бирикмасидир, деган далилни келтирадилар ва ўз навбатида мақол, матал ва афоризмларни фразеологизмлардан четда қолдирадилар. Шундай қилиб, фразеологиянинг ҳажмини тор доирада тушунувчи олимлар уни кенг доирада тушунувчи олимларга фикран қарама-қарши позицияни эгаллаб келмоқдалар. Кейинги даврда тилдаги мақолларни ўрганиш фразеологиянинг алоҳида соҳаси ҳисобланувчи паремиологияда (грекча *poromia* - мақол, матал) амалга оширилмоқда ва ҳатто турли тиллардаги мақолларни қиёсий чоғиштириш паремиологияда тадқиқ қилинмоқда. А. В. Кунин ФБларни гуруҳларга бўлиб ўрганар экан, у тўртинчи гуруҳга коммуникатив ФБларни киритган, мақол ва маталлар ҳам худди шу ердан ўрин олган. А. В. Куниннинг таърифига кўра ФБлар бутунлай ёки қисман кўчма маънони ифодалаган турғун бирликлардир. Демак ФБларнинг асосий хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

ФБ таркибида камида иккита сўз қатнашиши керак;

ФБлардаги бир неча мустақил сўзлар бир гап бўлаги ёки гап вазифасини бажариши мумкин;

компонентлар бутунлигича узоқ вақт барқарор бўлади;

ФБлар ўзларининг таъсирчанлиги, бўёқдорлиги билан тингловчига таъсир қилади.

Инглиз тилининг Америка адабий вариантыда фразеологизмлар кўп қўлланилади. Инглиз тилида, хусусан инглиз тилининг Америка адабий вариантыда фразеологизмлар кўп қўлланилишига сабаб, янги тушунчаларнинг ривожланиши ва уларни ифодалаш учун янги иборалар зарурлигидадир, лекин янги иборалар доим ҳам тузилмай, бу тилда бор бўлган сўзлардан уларни бириктириш йўли билан янги маънодаги иборалар яратилишини кўрсатади. Таниқли рус тилшунос олими Р.С.Гинзбург ва бошқаларнинг замонавий инглиз лексикографияси курси номли асарида функционал ва семантик жиҳатдан таркибий бирикмалари ажралмас бўлган сўз гуруҳлари фразеологиянинг ўрганиш объекти ҳисобланади, дейилади. Инглиз ва Америка тилшунослари ана шундай сўзлар, сўз бирикмалари ва гапларни тўплаганликлари, уларнинг келиб чиқиш услуби ва қўлланилиши нуқтаи назаридан қизиқиш касб этиши таъкидланади. Бундай бирликлар аввал айтиб ўтганимиздек, идиомалар деб аталса-да, уларни алоҳида лингвистик бирлик сифатида фарқлаш ва ўрганиш борасида Америка ва инглиз олимлари саъй-ҳаракатларни амалга оширмаганлар. Америка ва инглиз луғатларида слэнг, идиома, мақол, матал ва бошқа лексик бирликларнинг фарқли жиҳатлари, уларни фарқлашга асос бўлувчи мезонлар ҳақида сўз юритилмайди.

Ваҳоланки, сўз бирикмалари, фразеологик бирликлар, фразеологик чатишмалар, идиомалар ва сўз эквивалентлари кабиларнинг ҳар бири ўз маъно, шаклий услубий ва стилистик хусусиятларига эга деб ўйлаймиз. Эркин сўз бирикмалари деб аталмиш бирликлар таркибидаги аъзо компонентлар ҳам ўзига хос лексик ва грамматик валентликка эга бўлиб, улар қатъий бирикмаларга жуда яқин турадилар. ФБлар нисбатан мустаҳкам

шаклга эга бўлиб, компонентлар маъноларини ажратиб бўлмайди. Лекин тугал мотивация ва компонентлар ўзгарувчанлиги, компонентлар ва уларнинг грамматик структураси билан боғлиқ мотивациянинг етишмаслиги каби сўзлар ўртасида чегара белгиловчи факторлар мавжуд. ФБлар табиатидаги муҳим хусусиятлардан бири қатъий бирикмалиликда, қатъий бирикманинг энг муҳим фарқловчи мезони лексик компонентлар ва сўз гуруҳлари грамматик структурасининг ўзгармаслигидир. Идиомалар термини эса умуман олганда идиоматик ва мотивациянинг йўқлигини англатади. Лекин бу ФБ деб атайдиган бирликлар маъносида ишлатилади. Улар синоним терминлар мақомидалар. Сўз эквивалентлари маълум сўз гуруҳларининг функционал жиҳатдан ажратиб бўлмаслиги, нутқда эса ягона сўзлар сифатида вазифа бажаришлари билан ҳарактерланади. ФБлар одатда мотивациялар, нутқда эркин ясаб бўлмайдиган, тилда тайёр бирлик тарзида бўладиган сўз гуруҳидир. Сўз бирикмалари таркибидаги компонентлар ФБлардан фарқли ўлароқ мулоқот эҳтиёжларига кўра ўзгариб туради, ФБлар эса тилда ўзгармас, яхлит бирликлар сифатида намоён бўладилар. Масалан, till the cows come home, crocodile tears, something to corw about, buy something for a song, chip in one's shoulders, come out of one's shell, dog eat dog.

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликларнинг когнитив таҳлили, метафорик ибораларнинг шаклланиши**» деб номланган иккинчи бобида когнитив тилшуносликга оид асосий тушунчалар, уларнинг фразеологияга алоқадорлиги масалалари муҳокама қилинган. Когнитив тилшунослик бугунги кунда замонавий фанда алоҳида ва муҳим ўрин тутадиган соҳалардан бирига айланиб улгурди. Когнитивлик фани бу, авваламбор, когниция билан шуғулланадиган фандир, айнан шундан у ўз номини олган, когнитив тилшунослик эса тилдаги когницияни ўрганади.

Инсондаги билимларнинг ҳосил бўлишида, унинг сақланиши ва ўзгаларга берилишида тилнинг аҳамияти, ўрни беқиёсдир. Шунга кўра манбаларда когнитив лингвистиканинг асосий вазифаси сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

1. Инсондаги билимларнинг пайдо бўлишида тилнинг ролини аниқлаш.
2. Концептуал система билан тил системаси ўртасидаги муносабатни аниқлаш.
3. Билимни концептуаллаштириш ва категориялаштириш жараёнларини тушуниш.
4. Оламнинг лисоний ва когнитив (концептуал) тасвирлари билан боғлиқ бўлган масалаларни ечиш.

Когнитив лингвистиканинг назарий асосида «тафаккур тилсиз бўлади, аммо мулоқот пайтида у тил орқали юзага чиқади, яъни ифодаланади» деган тезис ётади. Когнитив лингвистиканинг энг асосий тушунчаси «концепт» тушунчаси бўлиб, у тафаккур бирлиги ҳисобланади. Концепт – лисоний бирликлар (масалан, сўз, гап, матн кабилар) орқали юзага чиқувчи фикрлаш жараёни, ҳодисаси, тафаккур бирлиги бўлиб, у инсон билиш жараёнининг натижаси (ҳосили)дир.

Когнитивлик фани жуда ҳам кўплаб бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқдир, булар қаторига психология, мантиқ, фалсафа, тилшунослик, психоллингвистика, математика, кибернетика, антропология, этимология ва бошқаларни киритиш мумкин. Инсон тафаккури ва онги билан боғлиқ бўлган мураккаб жараённи ўрганишда шубҳасиз жуда ҳам кўплаб фанларга муурожаат этишга тўғри келади, когнитив тилшунослик ҳам инсон тафаккури, онг ва шу каби кўплаб масалаларни тилга боғлаган ҳолда ўрганади. Когнитив тилшуносликнинг фан сифатида ўз олдига қўядиган асосий мақсади, инсон онги ёрдамида у ёки бу лексик бирлик, контекст, вазият, иборани тушуниш, маъносини англаш ва уни бошқаларга тушунтириб бера олиш. Бу ҳолатда инсон нафақат тил, балки бутун борлик, менталитет, тарихий кечинма, маълумот каби факторлар ёрдамида ушбу жараённи бошидан ўтказди.

Ҳар қандай тил фразеологизмлари миллатнинг ўтмиши, тарихи, маданиятидан сўзлайди. Мисол учун, Шарқ халқларининг тилларидаги иборалар шу минтақага хос бўлган миллий-маданий хусусият, анъана-одатларни ўз ичига олса, Ғарб халқларининг тилларидаги фразеологик бирликлар ўз навбатида ўша минтақага хос ҳаёт тарзини, маданиятини акс этади. Хўш, бу жараёндан нима англашилади? Фразеологик бирликлар миллат кўзгуси, миллат акс-садосидир. Шу сабабдан ҳам кўп ҳолларда хорижий тил ўрганувчилар айнан фразеологизмларни тушунишга, ўрганишга қийналишади, уларни қўллашда баъзи бир контекстуал хатоларга йўл қўйишади. Иборалар у ёки бу халқ маданияти, тарихининг бир бўлагидир. Ҳар қандай тил фразеологиясида тилнинг универсал семантик категориялари ўз ифодасини топади (вақт, макон, миқдор, даража, сифат ҳамда предмет ва субъектлар ҳолати). Бундан ташқари, фразеологизмнинг семантик таркибида фразеологик образ шаклланиши учун оламда мавжуд у ёки бу реалияларга алоқадор умуминсоний маданият коннотациялари ҳам жойлашган.

У ёки бу маданиятнинг кўрсатма, стереотип, символларини сақлаш ва уларни ифода этишнинг энг машхур усулларида бири бу тилнинг фразеологик фонди ҳисобланади. Ҳар бир тил фразеологик фондининг таркибида ҳам универсал, ҳам миллий-маданий элементлар мавжуд. Турли халқларнинг фразеологиясида мавжуд бўлган умуминсоний маълумотлар базаси атрофдаги оламда мавжуд бўлган реалияларни умумий типларга кўра образли талқин қилишга асосланган.

Маҳаллий ва хорижий тилшуносликда турли тиллардаги материаллар асосида миллий фразеологик фонднинг ўзига хос хусусиятларини алоҳида ва қиёсий ўрганишга бағишланган бир нечта илмий-тадқиқот ишлари бажарилган. Фразеологик бирликларнинг универсал ва миллий хусусиятларини ўрганиш ҳозирги замонавий тилшуносликда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Халқ тилининг фразеологик фондини ўрганиш инсон ва уни ўраб турган оламни ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади, бу ҳам лингвистик, ҳам психологик тадқиқотлар ўтказилишини талаб этади.

Халқнинг маҳорат билан яратган, унинг ижод маҳсули ҳисобланадиган оламнинг фразеологик манзарасини яратадиган фразеологизмлар таркибида маданий концептлар айниқса ёрқин ифодасини топган. Тилнинг ёрқин,

образли-эмоционал, экспрессив воситаси сифатида айнан фразеологик бирликлар эстетик жиҳатдан муҳим бўлган оламнинг лисоний манзарасини яратишга хизмат қилади.

Оламнинг фразеологик манзараси бир нечта ўзига хос белгилар билан характерланади. Мана шу белгилардан энг муҳими бу антропоцентризм ҳисобланади, унга кўра оламнинг лисоний манзараси марказида инсоннинг ўзи туради. Инсон атрофидаги воқеа-ҳодисаларни ўз дунёқараши билан ўлчайди, у билан дунёни англайди, фразеологик олам манзарасини ўзининг жисми, ҳиссиёти, ҳолати, талаблари ва қизиқишларидан келиб чиқиб ўрганади. Инсон дунёда содир бўладиган барча воқеа-ҳодисаларга масъул бўлган энг муҳим жонзот сифатида ушбу жараёнлар марказида туради ва табиийки, тил ва унинг қисмларида ҳам инсон фактори асосий ролни ўйнайди. Тилшуносликда сўнгги пайтларда тилни тасвирлашда антропоцентрик тенденция яққол намоён бўлиб бормоқда, кўплаб тадқиқот ишларида бу жараён “тилдаги инсон фактори” деб баҳоланмоқда. Антропоцентрик тилшунослик учун бош ғоя шундан иборатки, тил ўзи табиатан психологик, инсонга хос ва шу билан бирга тил доимо инсон билан бирга ва уни таъбир жоиз бўлса “ифодалайди”.

Диссертациянинг учинчи боби **«Инглиз ва ўзбек тилларида “инсоннинг ички ва ташқи олами” фразеосемантик майдонларида ишлатиладиган метафорик ибораларнинг лингво-когнитив таҳлили»** деб номланади.

Мазкур бобнинг олдида қўйилган асосий мақсадлардан бири инсоннинг ички ва ташқи оламини семантик гуруҳлар орқали инглиз ва ўзбек тилларидаги метафорик ибораларнинг лингвокогнитив таҳлилини изоҳлашдан иборатдир. Ҳар қандай қиёсий таҳлил учун тизимли қиёслаш мезонларини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Шунини инобатга олган ҳолда биз инглиз ва ўзбек тилларидаги инсоннинг характер-хусусияти яққол кўриниб турадиган, сезилиб турадиган метафорик ФБларни луғатлардан ва бадий асарлардан йиғиб олиб, уларнинг семантик категоризациясини амалга оширдик. Бунда энг кўп учрайдиган семантик гуруҳлар танлаб олинди ва улар ФБларни гуруҳлаш учун мезон қилиб белгиланди.

Метафорик ибораларни лингвокогнитив таҳлил қилиш орқали уларнинг қай тарзда халқ тилига кўчганлиги, пайдо бўлиш тарихи, концептуал системаси, халқнинг ҳаёт тарзи каби масалалар ҳисобга олинади. Бу жараёнда доимо инсон омили етакчилик қилади. Қатор илмий тадқиқотларда ҳам бу ўз исботини топган. Масалан, Т.И.Егорова ўз мақолаларидан бирида рус тилидаги инсон хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворини баҳоловчи фразеологизмларни,<sup>6</sup> Г.А.Багаутдинова инсон руҳий хатти-ҳаракатларини намоён этувчи экспрессив фразеологик бирликларни таҳлил қилди.<sup>7</sup>

Тилимиздаги барқарор сўз бирикмаларини, яъни ибораларни ўрганувчи фразеология соҳаси, Я.Д.Пинхасовнинг фикрича, дастлаб адабиётшунослик

<sup>6</sup> Егорова Т.И. Фразеологизмы русского языка со значением качественной оценки действия и манеры поведения человека // Вестник ОмГУ, 1988. Вып.2. -С.68-71.

<sup>7</sup> Багаутдинова Г.А. Механизм создания экспрессивности фразеологических единиц, отражающих психическую деятельность человека // Экспрессивность текста и перевод. -Казань, 1991. -С.12-17.



предмети сифатида ўрганилган. Маълум бадий асарни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилганда, барқарор сўзлар боғланмасини айнан таржима қилиш мумкин бўлмай қолган. Бунда ўша тилларда мавжуд бўлган фразеологик бирликлар ўрганила бошланган. Дунё филологиясида фразеология атамаси Неандр томонидан қўлланилган бўлиб, у бадий асарларни таржима қилганда шу атамани ишлатган.<sup>8</sup> Биз ҳам ушбу бобда инсоннинг характерини ифодалайдиган метафорик ибораларнинг бадий асарлардан келтирилган намуналари асосида изоҳламоқчимиз. Қуйида таркибида инсон характер-хусусиятига оид лексемалар қатнашган айрим ўзбекча метафорик ибораларнинг лингвокогнитив таҳлилини келтирамиз ҳамда ибораларнинг не чоғлиқ халқ маданиятига, менталитетига алоқадорлигини аниқлаймиз.

Тилимиздаги фразеологик бирликларнинг аксарияти инсоннинг ички ва ташқи олами билан боғлиқ фаолияти орқали шаклланади. Шу сабабли ҳам бундай иборалар ифодалаган маъноларнинг замирида инсон, унинг хатти-ҳаракатлари, феъл-атвори, яшаш тарзи ва фикр-ўйлари ётади. Шунинг учун ҳам бир қатор тилшунос олимлар ўз тадқиқотларида инсон хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворларини акс эттирувчи фразеологизмларни ўрганишган.

Ҳам инглиз, ҳам ўзбек тилида инсонни характерини тасвирлайдиган кўплаб метафорага асосланган фразеологик бирликлар мавжудки, улар кишиларнинг турли характерли хусусиятларини намоён этади.

Тадқиқотимиз давомида инсоннинг ижобий ҳамда салбий характерини билдирадиган кўплаб метафорага асосланган фразеологик бирликлар мавжудлигига амин бўлдик. “Дум бермоқ” метафорик фразеологик бирликни мисол тариқасида оладиган бўлсак, унинг маъноси “доим бировга эргашиб ёки унга хушомад қилиб, бирга ортидан юрадиган одам, шотир” ҳисобланади. Ушбу иборанинг метафорик фразеологизм эканлигига сабаб, полиз экинларининг ҳаракати инсонга кўчганлигидадир. Фразеологик бирлик салбий маънода қўлланилади. Шунингдек, ўзбек тилидаги “думини қисмоқ” метафорик фразеологизми ҳам салбий маъно оттенкасига эга: “итоаткорона иш тутмоқ, бўйсунувчан, итоаткор бўлмоқ”. Ушбу фразеологизмдаги ҳайвон ҳаракати инсонга кўчиб, кўчма маъно ҳосил қилмоқда. Юқоридаги ҳар иккала метафорик фразеологизмлар таркибида ҳам “дум” сўзи мавжудлиги, у ўзбек миллий маданияти, ҳар кунги ҳаёт тарзида маълум маънода муҳим ўрин эгаллашини исботлайди. “Оёғига ҳино қўйган” (дангаса, ялқов, секин ишлайдиган, ўзини уринтирмайдиган) метафорик фразеологик бирлиги ҳам салбий маънони ифодалайдиган лексик бирликдир, у тўлалигича ўзбек миллий маданияти, ҳаёт ва турмуш тарзи, урф-одатларини ўзида мужассам этган десак муболаға бўлмайди, оддий иш-ҳаракат йиллар ўтиб, фразеологизмга айлангани вақт ўтиши билан тил жараёни маълум бир ўзгаришларни юзага келтиришини исботлайди. Бундай фразеологизмлар инсон характерини кўрсатиш билан бирга халқ урф-одатларини ҳам кишилар билан нақадар чамбарчас эканлигини исботлайди. Инсонлардаги салбий

<sup>8</sup> Пинхасав Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология ва фразеология. -Тошкент:Ўқитувчи, 1969.

